

## **Бешариқда матбуот анжумани**

Бешариқ туманида ижтимоий -иктисодий ривожлантириш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилдаги истиқболли режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда телевидение, газета, интернет нашрларининг вилоятдаги мухбирлари, блогерлар, матбуот хизмати ходимлари, фахрий журналистлар иштирок этди.

Анжуманда туман ҳокими Расулжон Жўраев 2023 йилда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар юзасидан ОАВ вакилларига батафсил маълумот бериб ўтди. Хусусан, Президентимизнинг қарор ва Фармонлари ижроси доирасида аҳоли бандлиги таъминлаш, фаровонлигини ошириш йўлида ишга туширилган янги лойиҳа ва имкониятлар, 2024 йилда амалга оширилаётган истиқболли дастурлари билан таништириди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан берилган саволларга жавоблар қайтарилди, билдирилган амалий таклифлар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди. Бир қанча самарали таклифлар қўллаб-қувватланиши билдирилди.

Амалий мулоқотларга бой бўлган учрашувда туман ҳокими ўринбосарлари иштирок этди. Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2024-02-16 11:02:05